XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

150100, Farg‘ona sh., Alisher Navoiy k., 15-uy, tel: (73) 244-07-35, e-mail: info@ferghana.uz, www.ferghana.uz

2021 - yil 30 - dekabr VI-39-64-11-0-K/21 Farg‘ona viloyati hokimligi

Фарғона вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) мувофиқ, 2022 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари, 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сон Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/845-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонунга мувофиқ, Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йилги даромадлари **4 242,5 млрд.сўм** ва харажатлари **5 619,9**

млрд.сўмга маълумот учун қабул қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар **1 377,4 млрд.сўм** миқдорида тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

Фарғона вилоятининг 2022 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

вилоят маҳаллий бюджети даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари 2-иловага;

вилоятнинг вилоят бюджетидан 2022 йилда ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага;

Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда “Давлат молиясини бошқариш” ахборот тизимига Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан киритилиши белгилаб қўйилсин.

Вилоят бюджетидан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

4. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Шунингдек, қуйидагилар:

2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 8 830,0 млн. сўмни ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари

шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага;

қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-иловага;

жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 9-иловага;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв.м. учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматга нисбатан киритилаётган камайтирувчи коэффициентлар 10-иловага мувофиқ белгилансин.

6. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 18,5 млрд.сўм миқдорида белгилансин.

Бунда,

вилоят, туман ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларини Бюджет кодексининг 73-моддасига мувофиқ, бюджет тизими маблағлари шакллантирилаётганда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

маҳаллий бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларнинг захира жамғармалари миқдорларига аниқлаштириш киритилмасин.

7. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар:

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бюджети даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

ер участкаларига булган хукукларни сотишдан тушган пул маблаглари;

бўш турган давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар;

Бошқа тушумлар (ушбу банднинг “в” ва “г” қисмларида назарда тутилган даромадлардан ташқари барча даромадлар, шу жумладан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг бошқа тушумлари ҳамда бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шаҳар бюджетларига тушумлар) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ўтказилиши;

б) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши;

в) Қуйидаги солиқ турлари:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

айланмадан солиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

давлат мулки бўйича ижара тўловларидан тушадиган тушумлар шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилиши;

г) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туридан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғидан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 20 фоизи;

жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан тушумларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) Фарғона шаҳри ва Сўх туманидан ташқари барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

юридик шахслар фойдасидан солиқ бўйича тушумларнинг фақат Фарғона шаҳрида 50 фоизи ўтказилади;

юридик шахслар ер ва мол-мулк солиқлаги ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғидан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоят бюджетига ўтказилади.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Уринбоев), молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), Давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йилги маҳаллий бюджети учун белгиланган кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки:

барча туман ва шаҳар ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар

томонидан 2022 йилда бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш, тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушимини таъминлаш ҳамда бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

10. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов) ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини ўрнатиш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб бориш вазифалари юклатилсин.

11. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Н.Машрапов) 2022 йилдан бошлаб юридик шаслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласинлар.

12. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси Фарғона минтақавий инспекцияси (Х.Рахимов) ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

13. Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилоят бошқармаси (Т.Абдуллаев), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсинлар ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

14. Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (Х.Сирожиддинов) Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Ҳакимов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштириши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини “э-ижро аукцион” майдончаси орқали сотиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

15. Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (Х.Сирожиддинов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов), вилоят молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойдасидан бюджетга ажратмаларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмасдан бюджетга ундирилишини таъминласинлар.

16. Монополияга қарши кўрашиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Холматов) туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузсинлар ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатилишини таъминласин.

17. Сирдарё-Сўх иригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Ф.Турсунов) ва вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов) туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Д.Ташходжаев), вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (И.Юлдашев), Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (У.Маҳмудов) вилоятда бюджетга ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида тўлиқ маҳаллий бюджетга ундириш чораларини кўриб борсинлар.

19. Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ:

вилоят ҳокимлиги чораклар якуни бўйича Қонуннинг 6-иловасида

келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиши тўғрисидаги белгиланган тартибга амал қилсинлар.

Туман ва шаҳар бюджетлари жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирилсин.

Бунда, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъуллиги белгилаб қўйилсин.

20. Вилоятнинг вилоят бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинишига қатъий амал қилинсин.

21. Вилоят, туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати,

шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши таъминлансин.

22. Вилоят, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

23. Вилоят, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, бюджет маблағлари тақсимловчилари ҳамда масъул бошқарма ва ташкилотлар:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни тегишли равишда мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб борсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларида уларнинг натижаларини жойлаштириб борилишини таъминласин.

24. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев, халқ депутатлари вилояти Кенгаши котибияти, туман (шаҳар) ҳокимликлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари:

Бюджет даромади ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фарғона вилоятидаги давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Жўраев), Молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев) ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилишини назорат қилиб бориш, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида ахборот бериб бориш вазифалари юклатилсин.

26. Вилоят молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), Давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов), тегишли бошқарма ва ташкилотлар ҳамда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилари билан биргаликда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия”си ҳамда вилоят Кенгашига маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда ахборот бериб борилишини таъминласин.

27. Вилоят молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев) бюджет ижросининг очиқлигини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чорагининг якунларига кўра, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтига киритиш учун вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсин.

28. Мазкур қарор тегишли таҳририятлар ва оммавий ахборот воситаларида ёритилиши тавсия этилсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

29. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

30. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раҳбари **Х.Бозаров**

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
1-илова

Фарғона вилоятининг 2022 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	54 406,4
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	108,6
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	110,5
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	108,5
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	106,5
6.	Жами хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўсиш суръати, фоизда	128,2

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
2-илова

Фарғона вилоятининг вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		**2 333 948 500,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	330 197 500,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	950 943 500,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	
5	Акциз солиғи жами	**332 336 000,0**
	шу жумладан:	
	- бензин дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*332 336 000,0*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	51 811 500,0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
8	Юридик шахслар ер солиғи	80 774 500,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	28 367 000,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	36 843 500,0
12	Давлат божи	206 720 000,0
13	Жарималар	122 199 000,0
14	Давлат мулкини хусусийлаштириш	25 000 000,0
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	20 534 000,0
16	Йиғимлар	142 956 000,0
17	Бошқа тушумлар	5 266 000,0

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Фарғона вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар номи	Тасдикланган режа
Харажатлар миқдори, Жами		**3 711 383 026,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 428 999 864,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**440 003 398,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**1 842 379 764,0**
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**374 210 633,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**208 528 815,0**
	шундан:	
	"Ёшлик" спорт маркази харажатлари	307 449,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	165 681 818,0
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**98 602 856,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**12 078 412,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	86 524 444,0
3.	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	**1 120 425,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 120 425,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**611 063 765,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**547 063 765,0**
	шундан:	
	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси марказий аппарати	2 603 304,0
	Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази филиали	2 586 168,0
	Болалар ижтимоий мослашуви маркази	1 374 900,0
	Кўзи ожизлар кутубхонаси	101 280,0

	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	64 000 000,0
5.	**Маданият бошқармаси**	**46 990 032,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**46 990 032,0**
	шундан:	
	Маданият бошқармаси марказий аппарати	777 383,0
	Мақом ва санъат мактаблари	16 819 047,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими**	**3 685 758,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 685 758,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Туризм ва спорт бошқармаси**	**27 643 706,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**27 643 706,0**
	Туризм ва спорт бошқармаси марказий аппарати	4 639 284,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**30 013 319,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**30 013 319,0**
	шундан:	
	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари	4 212 276,0
	Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	6 147 043,0
	Кўп қаватли уйларни лифт билан жихозлаш	980 000,0
	Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари	2 310 000,0
	Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш харажатлари	16 364 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**2 769 900,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 769 900,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**276 251 352,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**260 351 352,0**
	шундан:	
	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	**33 500 000,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	15 900 000,0
11.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**5 250 750,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**5 250 750,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Транспорт бошқармаси**	**10 906 482,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**10 906 482,0**
	шундан:	
	Автобус йўналишларининг йиллик субсидиялаш харажатлари	**7 225 920,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**7 762 835,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**7 762 835,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14.	**Вилояти Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси**	**10 503 374,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**10 503 374,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Фарғона вилоят Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси**	**75 314 211,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**75 314 211,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Ветеринария бошқармаси**	**5 016 675,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**5 016 675,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси**	**1 706 750,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 706 750,0**

	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18.	**Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши котибияти**	**1 660 722,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 660 722,0**
	шундан:	
	Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди	**1 244 961,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	**Бандлик бош бошқармаси**	**1 679 849,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 679 849,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 961 882,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 961 882,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	**Адлия бошқармаси**	**11 376 717,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**11 376 717,0**
	шундан:	
	Давлат хизматлари Агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси ФХДЁ бўлимлари сақлаш харажатлари	3 469 407,0
	Юридик хизматлар маркази	4 099 246,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси**	**15 242 114,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**15 242 114,0**
	шундан:	
	Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ваколатли офиси	**1 431 275,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	**Молия бош бошқармаси**	1 852 893 737,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**10 513 973,0**
	шундан:	
	Вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси харажатлари	2 484 388,0

	Ҳудудий молия органларининг малака ошириш харажатлари	74 662,0
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	3 150 000,0
	Адвокатлик хизматлари харажатлари	1 500 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига тартибга солувчи трансфертлар	1 842 379 764,0
24.	**Махсус экспулатация монтаж бўлими**	**3 272 992,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 272 992,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Давлат ҳокимият органлари**	**146 540 585,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**38 643 449,0**
	шундан:	
	Ҳокимлик ижтимоий мослашиш маркази бўлимлари	93 526,0
	Захира жамғармаси	18 504 984,0
	Қабуллар уйи	2 079 654,0
	Халқ қабулхонаси	
	Бош вазир қабулхонаси	
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси	644 836,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	107 897 136,0
26.	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**2 001 427,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 001 427,0**
	шундан:	
	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	165 446,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**2 043 326,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 043 326,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

28.	**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси**	**1 450 761,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 450 761,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси**	**5 991 179,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**5 991 179,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспецияси Фарғона вилояти бошқармаси**	**8 455 775,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**8 455 775,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31.	**Давлат архиви бошқармаси**	**3 042 357,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 042 357,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32.	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**17 615 375,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**17 615 375,0**
	шундан:	
	Пенсия малака ошириш	42 641,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33.	**Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси**	**9 160 297,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**9 160 297,0**
	Ғазначилик органлари малака ошириш харажатлари	**65 020,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Сайлов комиссисиялари**	**61 862,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**61 862,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

35.	**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси**	**13 268 460,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**13 268 460,0**
	шундан:	
	Фарғона вилояти Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати	1 700 736,0
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36.	**Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси**	**620 817,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**620 817,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш ҳудудий бошқармаси**	**150 192,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**150 192,0**
	объектларни лойиҳалаштириш қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38.	**Бошқа ташкилотлар**	**23 079 777,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**23 079 777,0**
	шундан:	
	Мудофа махсус база ва Ички ишлар органлари билан боғлиқ харажатлар	23 079 777,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
4-илова

2022 йил учун бюджет даромадларининг маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши бўйича ажратма меъёрлари

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Корхоналар айланмасидан солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан ундирила диган фойда солиғи	Бензин, дизел ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчи ларга реализация қилишдаги акциз солиқ	Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан ер солиғи	Қурилиш материал лари бўйича ер қаъридан фойдалан ганлик учун солиқ	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	Сув ресурслари дан фойдалан ганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
1	Фарғона шаҳар	100		100	50	20	100	100	50	100	50	50	50
2	Қўқон шаҳар	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
3	Қувасой шаҳар	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
4	Маргилон шаҳар	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
5	Олтиарик тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
6	Боғдод тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
7	Бувайда тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
8	Бешариқ тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
9	Қува тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
10	Учкўприк тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
11	Риштон тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
12	Сўх тумани	100		100		20	100	100	50	100	50	50	50
13	Тошлоқ тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
14	Ўзбекистон тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
15	Фарғона тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
16	Данғара тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
17	Фурқат тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
18	Ёзёвон тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50
19	Қўштепа тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

№	Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори жами
	ЖАМИ	**1 842 379 764,0**
	шундан	
1	Фарғона шаҳар	24 959 477,0
2	Қўқон шаҳар	102 500 237,0
3	Қувасой шаҳар	42 783 753,0
4	Маргилон шаҳар	103 452 219,0
5	Олтиариқ тумани	98 004 713,0
6	Боғдод тумани	106 359 487,0
7	Бувайда тумани	120 607 880,0
8	Бешариқ тумани	104 537 223,0
9	Қува тумани	173 858 710,0
10	Учкўприк тумани	105 024 613,0
11	Риштон тумани	120 276 832,0
12	Сўх тумани	82 221 934,0
13	Тошлоқ тумани	75 994 678,0
14	Ўзбекистон тумани	106 639 967,0
15	Фарғона тумани	100 262 401,0
16	Данғара тумани	97 918 348,0
17	Фурқат тумани	90 949 624,0
18	Ёзёвон тумани	80 616 422,0
19	Қўштепа тумани	105 411 246,0

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

№	Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ		**1 908 546 500,0**	**3 750 926 264,0**
1	Фарғона шаҳар	251 924 700,0	276 884 177,0
2	Қўқон шаҳар	188 860 900,0	291 361 137,0
3	Қувасой шаҳар	77 576 000,0	120 359 753,0
4	Маргилон шаҳар	125 992 500,0	229 444 719,0
5	Олтиариқ тумани	100 092 300,0	198 097 013,0
6	Боғдод тумани	88 832 800,0	195 192 287,0
7	Бувайда тумани	88 206 000,0	208 813 880,0
8	Бешариқ тумани	91 018 100,0	195 555 323,0
9	Қува тумани	109 986 800,0	283 845 510,0
10	Учкўприк тумани	102 433 600,0	207 458 213,0
11	Риштон тумани	87 389 400,0	207 666 232,0
12	Сўх тумани	15 248 900,0	97 470 834,0
13	Тошлоқ тумани	104 772 000,0	180 766 678,0
14	Ўзбекистон тумани	111 297 000,0	217 936 967,0
15	Фарғона тумани	106 371 700,0	206 634 101,0
16	Данғара тумани	78 169 000,0	176 087 348,0
17	Фурқат тумани	46 816 300,0	137 765 924,0
18	Ёзёвон тумани	51 716 500,0	132 332 922,0
19	Қўштепа тумани	81 842 000,0	187 253 246,0

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
7-илова

2022 йилда вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
	ЖАМИ	**26 900 000,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	8 830 000,0
2	Фарғона шаҳар	2 523 000,0
3	Қўқон шаҳар	2 094 000,0
4	Қувасой шаҳар	782 000,0
5	Маргилон шаҳар	1 586 000,0
6	Олтиариқ тумани	927 000,0
7	Боғдод тумани	821 000,0
8	Бувайда тумани	751 000,0
9	Бешариқ тумани	688 000,0
10	Қува тумани	1 034 000,0
11	Учкўприк тумани	767 000,0
12	Риштон тумани	812 000,0
13	Сўх тумани	247 000,0
14	Тошлоқ тумани	883 000,0
15	Ўзбекистон тумани	719 000,0
16	Фарғона тумани	987 000,0
17	Данғара тумани	727 000,0
18	Фурқат тумани	474 000,0
19	Ёзёвон тумани	479 000,0
20	Қўштепа тумани	769 000,0

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
8-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

минг сўмда

Т/р	**Худуд номи**	**Коэффициент (0,5 дан 2 гача)**	**Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 га учун)**
1	Фарғона шаҳар	1,30	37 700,0
2	Қўқон шаҳар	1,30	37 700,0
3	Қувасой шаҳар	1,00	29 000,0
4	Маргилон шаҳар	1,30	37 700,0
5	Олтиариқ тумани	1,00	29 000,0
6	Боғдод тумани	1,00	29 000,0
7	Бувайда тумани	1,00	29 000,0
8	Бешариқ тумани	1,00	29 000,0
9	Қува тумани	1,00	29 000,0
10	Учкўприк тумани	1,00	29 000,0
11	Риштон тумани	1,00	29 000,0
12	Сўх тумани	1,00	29 000,0
13	Тошлоқ тумани	1,00	29 000,0
14	Ўзбекистон тумани	1,00	29 000,0
15	Фарғона тумани	1,00	29 000,0
16	Данғара тумани	1,00	29 000,0
17	Фурқат тумани	1,00	29 000,0
18	Ёзёвон тумани	1,00	29 000,0
19	Қўштепа тумани	1,00	29 000,0

Изох: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
9-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўм)
1	Фарғона шаҳар	1,20	312,0
2	Қўқон шаҳар	1,20	312,0
3	Қувасой шаҳар	1,20	312,0
4	Маргилон шаҳар	1,20	312,0
5	Олтиариқ тумани	1,00	260,0
6	Боғдод тумани	1,00	260,0
7	Бувайда тумани	1,00	260,0
8	Бешариқ тумани	1,00	260,0
9	Қува тумани	1,00	260,0
10	Учкўприк тумани	1,00	260,0
11	Риштон тумани	1,00	260,0
12	Сўх тумани	1,00	260,0
13	Тошлоқ тумани	1,00	260,0
14	Ўзбекистон тумани	1,00	260,0
15	Фарғона тумани	1,00	260,0
16	Данғара тумани	1,00	260,0
17	Фурқат тумани	1,00	260,0
18	Ёзёвон тумани	1,00	260,0
19	Қўштепа тумани	1,00	260,0

Изох: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-39-64-11-0-K/21-сон қарорига
10-илова

Туманларда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв.м. учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматга нисбатан киритилаётган камайтирувчи коэффициентлар

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (0,5 дан)**	**Минимал миқдор 2022 йил учун (минг.сўм)**
1	Олтиариқ тумани	0,70	700,0
2	Боғдод тумани	0,70	700,0
3	Бувайда тумани	0,70	700,0
4	Бешариқ тумани	0,70	700,0
5	Қува тумани	0,70	700,0
6	Учкўприк тумани	0,70	700,0
7	Риштон тумани	0,70	700,0
8	Сўх тумани	0,60	600,0
9	Тошлоқ тумани	0,70	700,0
10	Ўзбекистон тумани	0,70	700,0
11	Фарғона тумани	0,70	700,0
12	Данғара тумани	0,70	700,0
13	Фурқат тумани	0,60	600,0
14	Ёзёвон тумани	0,60	600,0
15	Қўштепа тумани	0,60	600,0